

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ
“МАРКЕТИНГ” КАФЕДРАСИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК:339.138:658:6П2.15.6

Собирова Хилола Фазлиддин қизи

Корхонада маркетинг фаолиятини такомиллаштиришда интернет хизматидан
фойдаланиш самарадорлиги
(реал сектор корхоналари мисолида)

5A230401- "Маркетинг(товарлар ва хизматлар)" мутахассислиги

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯСИ

ИЛМИЙ РАҲБАР:

и.ф.н., доц. Абдухалилова Л.Т.



ТОШКЕНТ – 2018

Диссертация ишида корхоналарда маркетинг фаолиятини такомиллаштиришда Интернет хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини назарий ва услубий асослари ўрганилган. Ташки Иктисодий Фаолият Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси амалиёт бўлимининг маркетинг фаолияти ҳолати, банкда Интернет хизматларидан фойдаланишнинг замонавий технологияларини қўллаш тизими ўрганилган ва таҳлил қилинган. Диссертация ишида замонавий Интернет хизматларидан фойдаланиш, банкларда масофавий хизмат кўрсатиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва бўлғуси истеъмолчиларга электрон хизмат турларини такомиллаштириш йўллари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In this dissertation work, theoretical and methodological basis of the effectiveness of the use of the Internet services were studied in order to develop the marketing activities of companies. The current state of marketing activity of the main department of operations of Tashkent city of the National Bank for Foreign Economic Activity, the system of applying modern technologies in the Internet access services in the bank were researched and discussed. The dissertational project has elaborated practical recommendations on the use of modern Internet services, a development of strategies for remote services in banks and a further enhancement of different types of electronic services for future prospective customers.

Диссертация иши "Маркетинг" кафедрасидан дастлабки ҳимоядан 2018 йил
"19" 05 17 - сонли баённома билан ўтган.


Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Абдухалилова Л.Т.


ИМЗО

12.05.18
ой, кун

Магистр: Сабирова Х.Ф.


ИМЗО

10.05.18
ой, кун

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
1–БОБ. КОРХОНАДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1. Корхонада маркетинг фаолиятини такомиллаштиришда Интернет тармоғи ва унинг асосий хизматларидан фойдаланишнинг назарий асослари.....	11
1.2. Корхонада маркетинг фаолиятини такомиллаштиришда Интернет хизматлари турлари ва улардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари.....	20
1.3. Банклар тизимида маркетинг фаолиятини такомиллаштиришда Интернет – банкинг хизматларидан фойдаланиш йўллари	32
Биринчи боб бўйича хулоса	46
2–БОБ. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШ БОШҚАРМАСИ АМАЛИЁТ БЎЛИМИДА ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	48
2.1. Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси амалиёт бўлимининг ташкилий – иқтисодий тавсифи.....	48
2.2. Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси амалиёт бўлимининг маркетинг фаолиятини таҳлил қилиш.....	53
2.3. Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси амалиёт бўлимида замонавий Интернет хизматларидан фойдаланиш афзалликлари.....	63
Иккинчи боб бўйича хулоса	71
3– БОБ. БАНК ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРНЕТ – МАРКЕТИНГДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	74
3.1. Замонавий банкнинг стратегик режалаштириш усулларини ишлаб чиқиш.....	74
3.2. Банкларнинг маркетинг фаолиятини такомиллаштиришда инновацион технологияларни қўллашнинг самарали йўллари	82
Учинчи боб бўйича хулосалар	90
Хулоса.....	93
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	97

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблиги ва асосланиши. Бугунги кунда Интернет хизматлари асосий турларининг замонавийлиги ва самаралигини нафақат ҳар бир жисмоний шахс, балки корхоналар, ташкилотлар ва бошқа барча муассасалар фаолиятида асосий восита эканлиги барчамизга маълум. Корхоналарда маркетинг фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқарувчилар интернет хизматлари имкониятларини тадқиқ этишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Дарҳақиқат, бир қатор воситалар Интернет-маркетингни амалий қўлланишга мос келади. Масалан, электрон почта ва бошқа интерактив алоқа воситалари, ахборот қидируви ва қидирувнинг дастурий таъминоти, корхона веб-сайтини ишлаб чиқиш ва бошқалар бугунги кунда корхоналар фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий хизматлар ва технологиялар турини ривожлантиришда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар стратегияси иқтисодиётнинг ҳамма бўғинларида янги хўжалик муносабатларини мажмуавий ривожлантириш, бошқарувнинг эгилувчан ва мослашувчан тизимини шакллантириш, банк хизматларини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур шарт - шароитларни яратиш, аҳолининг истеъмол товарлари ва хизматларига бўлган талабларини тўлароқ қондиришдан иборатдир. Ушбу хизматлар ичида банк хизматларини ташкил этиш ва бунда маркетинг элементларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган қарорга асосан, истеъмолчиларга кенг қулайликлар яратиш ва тадбиркорлар фаолиятини жадал тарзда ривожланиришга ундайди. Шу билан бирга банклар тизимида ахборот – коммуникация технологияларидан кенг